

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

Рўйхатга олинди:

№ МД 5А 120101 - 2.05

2016 йил "09" 01

Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги

2016 йил "22" 01



АДАБИЙ АЛОҚАЛАР

ФАН ДАСТУРИ

Билим соҳаси: 100000 - Гуманитар соҳа
Таълим соҳаси: 120000 - Гуманитар фанлар
Мутахассислик: 5А 120101 - Адабиётшунослик (инглиз адабиёти)

ТОШКЕНТ – 2016

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил “22” январдаги “26”-сонли буйруғининг 2-илоvasи билан фан дастури рўйхати тасдиқланган.

Фан дастури Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълими йўналишлари бўйича Ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи Кенгашининг 2016 йил “9” январдаги 1-сонли баённомаси билан маъқулланган.

Фаннинг дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетида ишлаб чиқилди.

Тузувчилар:

- Лиходзевский А.С. – “Лингвистика ва инглиз адабиёти” кафедраси профессори, ф.ф.д.;
- Балич Д.А. – “Рус тили ва адабиёти” кафедраси катта ўқитувчиси.

Такризчилар:

- Миркурбанов Н.М – ТДПУ, “Рус тилшунослиги” кафедраси доценти, ф.ф.н.;
- Матенова Ю.У. – ТДПУ, “Рус тилшунослиги” кафедраси мудири, ф.ф.н., доцент

Фан дастури Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети Илмий кенгашида кўриб чиқилган ва тавсия қилинган (2015 йил “26” ноябрдаги 4-сонли баённома).

КИРИШ

Адабий алоқалар фани мутахассислик блоки фанларидан бири ҳисобланиб, унда магистрантларга турли адабиётларнинг миллий ва маданий хусусиятлари таништирилади ва муайян адабий оқимга мансуб ёзувчилар асарлари, ижоди ўрганилади.

Ушбу фан умумжаҳон адабий-тарихий муаммоларини ёритиш ва қиёслаш, адабий жараёндаги ўзаро алоқани кўрсатиш, миллий адабиётни жаҳон адабиёти билан ўзаро боғлиқликда ўргатишга йўналтирилган.

Фаннинг мақсад ва вазифалари

Адабий алоқалар фаннинг асосий мақсади замонавий хорижий адабиётда янги пайдо бўлаётган ёзувчилар, долзарб мавзу ва янги йўналишлар ҳақида тушунчалар беришдан иборат. Курс хорижий мамлакатлар адабий жараёнларидаги муаммоларни ўрганишга қаратилган. Айниқса, долзарб муаммолар, жумладан замонавий адабиётда “оммавий маданият” ва унинг ўзига хос хусусиятлари, илмий фантастика, фэнтези, ҳужжатли жанр, тажриба ўтказиш ва бадиий изланишлар кабилардир.

Фаннинг вазифаси – уни ўрганувчиларга таниқли замонавий адабиёт намояндалари ва уларнинг асарлари билан таништириш жараёнида классик намуналарни таҳлил қилиш, улардаги назарий ва амалий билимларни шакллантириш, таълим-тарбиявий ва бадиий-эстетик руҳни тарбиялаш, адабиёт йўналишлари ва адабий ижоднинг муаммолари ва компонентларини ёритиш, адабий жараёндаги ўзаро алоқаларнинг таъсирни кўрсатишдан иборат.

Фан бўйича талабаларнинг тасаввур, билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар

Ушбу фанни ўзлаштириш жараёнида магистр:

- замонавий чет эл адабиётининг минтақавий хусусиятлари;

- XX ва XXI асрда адабий жараённи ўзига хослиги;
- Шарқ ва Ғарб адабиётлараро алоқалар тарихи;
- адабиётни қиёсий ўрганишда муҳим илмий концепциялар **ҳақида тасаввурга эга бўлиши;**

- Латин Америкаси адабиётининг бадиий ўзига хослигини;
- “Необарокко” ва “афсунли реализм” тушунчалари атрофидаги мунозараларни;

- Япония адабиётининг ўзига хослигини;
- замонавий япон адабиётида дзен-буддизм анъаналарини;
- Африка мамлакатлари адабиётини;
- Марказий Африка ёзувчилари ижодида халқ оғзаки ижодининг ўрни

Жанубий Африка Республикаси ёзувчилари асарларида ирқчилик муаммоларни;

- XX аср Хитой адабиётининг спецификасини;
- Туркия адабиётини;
- XX аср турк адабиёти таниқли вакилларини;
- Ҳинд адабиётининг бадиий ўзига хослигини **билиши ва улардан фойдалана олиши;**

- замонавий адабиёт ривожланишини таҳлил қилиш;
- турли ёзувчилар асарларининг услубий ранг-баранглигини аниқлаш ва фарқлаш;

- хорижий ёзувчилар ижодини концептуал ахамиятини англаш

қўникмаларига эга бўлиши керак;

- илмий изланиш методларини амалда қўллаш;
- Турли адабиётшунослик методларидан фойдаланиб бадиий асарни таҳлил қилиш **малакаларига эга бўлиши керак.**

Фаннинг ўқув режадаги бошқа фанлар билан ўзаро боғлиқлиги ва услубий жиҳатдан узвийлиги

Бакалавр босқичида ўқитилган “Жаҳон адабиёти”, “Адабиёт назарияси”

ва “Тили ўрганилаётган мамлакат адабиёти” фанларида олинган билимлар “Адабий алоқалар” фанини ўрганиш давомида умумийлаштирилиб, чуқурлаштирилади. “Адабий алоқалар” фани мутахассислик фани хисобланиб, “Қиёсий адабиётшунослик”, “Замонавий хорижий адабиёт”, “Адабий танқид тарихи”, “Хорижий адабиётшунослик долзарб масалалари” фанлари билан муаммоларнинг умумийлиги жихатидан бир-бирига ўзаро боғланган.

Фаннинг илм-фан ва ишлаб чиқаришдаги ўрни

Адабий алоқалар фани ишлаб чиқариш жараёни билан бевосита боғланмаган. Ушбу фан Буюк Британия ва АҚШ адабиёти ривожланишини таҳлил қилиш ва ёзувчиларнинг дунёқарашларидаги мувофиқлик ва тафовутни англаш, бадиий асарни ғоявий мазмунини аниқлаш, ёзувчи ижодини мантиқий ривожини тушуниш малакаларини такомиллаштиришга ёрдам беради. Бу борада турли адабий таҳлил услубларидан фойдаланилади.

Магистрантларда адабий алоқалар фани бўйича билимларни шакллантириш, бадиий асарни таҳлил қилишга доир муайян билимга эга бўлиш ва уларни амалиётга татбиқ этиш муҳим аҳамиятга эга. Бу жараён бевосита адабий-илмий, маънавий-маърифий соҳаларда амалий аҳамият касб этади. Фан доирасида ўзлаштрилган билим, малака ва кўникмалар касбий ва илмий фаолиятда қўлланилади.

Фанни ўқитишда замонавий ахборот ва педагогик технологиялар

Ушбу фанни ўқитишда анъанавий ва замонавий педагогик ва ахборот технологияларидан кенг фойдаланилади: гуруҳли музокаралар, жамоа лойиҳалари, жуфтликлар бўлиб топшириқларни бажариш, якка ҳолда маълум мавзу бўйича презентациялар қилиш, давра суҳбатлари ўтказиш, кластер, баҳс – мунозара, рефлексив усуллар (таҳлил, қиёслаш, синтез, баҳолаш).

Машғулотлар давомида адабиётлар, Интернет маълумотлари, аудио ва видео материаллардан қўлланилади. Машғулотлар ахборот технологиялари,

жумладан, мультимедиа воситалари ёрдамида ташкил этилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Фаннинг назарий машғулотлари мазмуни

Фанга кириш

Турли миллий адабиётлар билан таништириш. Қиёсий адабиётни ўрганишнинг асосий концепциялари. Замоनावий хориж адабиётидаги асарларнинг худудий ўзига хосликлари.

Лотин Америкаси адабиётининг бадий ўзига хосликлари

“Необаракко” ва “магический реализм” Лотин Америкаси адабиётининг асосий жиҳати сифатида муҳокама қилиш. Ўзига хос муаммолар ва жанрлар. Насрда диктатура мавзусининг қаламга олиниши (Маркес, Карпентьер, Астуриас). Г. Г. Маркеснинг “Ёлғизликнинг юз йили” романи насрий ва фалсафий асар сифатида. Род Буэндиа инсоният ва миллат тимсоли сифатида. Ёлғизлик моҳияти.

Япон адабиётининг ўзига хосликлари

Замоनावий япон адабиётида дзен-буддизм анъаналари. Кавабата Ясунари япон адабиёти “анъанавий” йўналишининг ёрқин намояндаси сифатида (“Минг қанотли турна” қиссаси). Кобо Абэ ижодида миллий анъаналар ва Ғарб фалсафий романчилик унсурларининг биргаликда намоён бўлиши. “Қумлоқдаги аёл” романида инсонлар орасидаги бегоналик мавзуси.

Африка мамлакатлари адабиёти

Характерли мавзулар, муаммолар ва образлар. Марказий Африка ёзувчилари ижодида фольклорнинг ўрни. Негр ёзувчилари гуруҳи (Воле

Шоинка, Амос Тутуола, Чинуа Ачебе ва бошқалар). ЖАР ёзувчилари ижодида ирқий муаммолар. Надин Гордимер “кичик жанр” устаси сифатида. Нагиб Махфуз араб ёзувчилари замонавий қатламининг етакчиси сифатида. Н. Махфузнинг тарихий романлари (“Родопис”)._Н. Махфузнинг замонавий асарлари (“Ўғри ва ит”, “Хурматли жаноб”)

Семинар машғулотларининг тахминий рўйхати

- Г. Г Маркес “Ёлғизликнинг юз йили”
- Ж. Амаду. Талаба истаган роман
- Х. Кортасар. “Имтиҳон” романи
- Пабло Неруда шерияти
- Кобо Абенинг “Қумдаги аёл” романи
- Ю. Мисиманинг “Олтин ибодатхона” романи
- Япон шерияти
- Лу Син. “А-Кюнинг узун тарихи”
- Р. Тагор шерияти
- Нажиб Махфуз ижоди шархи
- Надим Гордимер. Эртақлар.

Семинар машғулотларни ташкил этиш бўйича тавсиялар

Семинар машғулотларини ташкил этиш юзасидан кафедра томонидан кўрсатма ва тавсиялар ишлаб чиқилади. Унда талабалар асосий маъруза мавзулари бўйича олган билим ва кўникмаларини амалий масалалар, кейслар орқали янада бойитадилар. Шунингдек, дарслик ва ўқув қўлланмалар асосида талабалар билимларини мустақамлашга эришиш, тарқатма материаллардан фойдаланиш, илмий мақолалар ва тезисларни чоп этиш орқали талабалар билимини ошириш, масалалар ечиш, мавзулар бўйича тақдимотлар ва кўргазмали куруллар тайёрлаш, норматив-ҳуқуқий ҳужжатлардан

фойдаланиш ва бошқалар тавсия этилади.

Лаборатория ишларини ташкил этиш бўйича кўрсатмалар

Фан бўйича лаборатория ишлари намунавий ўқув режада кўзда тутилмаган.

Курс ишини ташкил этиш бўйича услубий кўрсатмалар

Фан бўйича курс иши намунавий ўқув режасида режалаштирилмаган.

Мустақил таълимнинг шакли ва мазмуни

Ушбу фанни ўрганувчи магистрантлар аудиторияда олган амалий билимларини мустаҳкамлаш ва гуманитар соҳада амалий масалаларни ечишда кўникма ҳосил қилиш учун мустақил таълим тизимига асосланиб, кафедра ўқитувчилари раҳбарлигида мустақил иш бажарадилар. Бунда улар кўшимча адабиётларни ўрганиб ҳамда интернет сайтларидан фойдаланиб рефератлар ва илмий докладлар тайёрлайдилар, амалий машғулот мавзусига доир уй вазифаларини бажарадилар, кўргазмали қуроллар ва слайдлар тайёрлайдилар.

Талаба мустақил ишни тайёрлашда муайян фаннинг хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда қуйидаги шакллардан фойдаланиш тавсия этилади.

- * дарслик ва ўқув қўлланмалар бўйича фан мавзуларини ўрганиш;
- * тарқатма материаллар бўйича маърузалар қисмини ўзлаштириш;
- * компьютер технологиялари тизимлари билан ишлаш;
- * махсус адабиётлар бўйича реферат ва конспектлар тайёрлаш;
- * талабанинг ўқув-илмий-тадқиқот ишларини бажариш билан боғлиқ бўлган адабиётлар, монография ва илмий тўпламларни чуқур ўрганиш;
- * интерактив ва муаммоли ўқитиш жараёнида фаол қатнашиш;
- * масофавий таълимни ташкил этишда қатнашиш.

Тавсия этилаётган мустақил ишларнинг мавзулари

- XX аср Хитой адабиёти хусусиятлари. Лу Синнинг “А-Кюнинг узун тарихи” қиссасидаги ижтимоий муаммолар
- XX аср турк адабиётининг муҳим хусусиятлари (А. Несин, Я. Камол, Ф. Бойқурт, О. Памук)
- Ҳинд адабиётининг бадиий ўзига хосликлари. Р. Тагорнинг насрий ва назмий ижоди. К. Чандра, К. Нарайяна ва бошқалар ижоди
- Осиёнинг бошқа мамлакатлари адабиёти. (Эрон, Индонезия в.б)

Дастурнинг информацион-услубий таъминоти

Ушбу фанни ўзлаштириш учун замонавий методларнинг барчасидан ўз ўрнида тўғри фойдаланиш катта самара беради. Фан бўйича мавжуд ўқув адабиётларни ўрганиб чиқиш, диссертацияларнинг авторефератларидан фойдаланиб, турли адабий методларини тадқиқ қилиш магистрантларга диссертация ёзишда қўл келади. Бунда интернет имкониятларидан фойдаланиб, тақдимот учун слайдлар тайёрлаш тавсия этилади.

Фойдаланиладиган адабиётлар рўйхати¹

Асосий адабиётлар:

1. Гринцер П.А. Эпохи взаимодействия литератур Востока и Запада. Научное издание. М.: Российск. гос. гуманит. ун-т, 1997. 51 с.
2. Селитрина Т.Л. Преемственность литературного развития и взаимодействие литератур. М.: Высшая школа, 2009. — 290 с.
Теоретические основы сравнительного и сопоставительного литературоведения. Учебное пособие. Казань: Казан. ун-т, 2014.- 105 стр

Қўшимча адабиётлар:

1. Гринцер П.А. Избранные произведения. Т.2. Сравнительное литературоведение и санскритская поэтика М.: Российск. гос. гуманит. ун-т, 2013. - 582 с. поэтика
2. Гиленсон Б.А. История зарубежной литературы конца 19 начала 20 века. Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. - М.: Издательский центр «Академия», 2008. — 480 с
3. Кутафина Ю. Н. Современный зарубежный роман XX века: особенности развития: учебное пособие. - Елец: ЕГУ им. И.А. Бунина, 2007. - 101с.
4. Толмачёв В.М., Седельник В.Д., Иванов Д. А. и др. под ред. Толмачёва В. М. Зарубежная литература XX века: Учеб. пособие для студ. высш. учеб. заведений /. — М.: Издательский центр «Академия», 2003. - 640 с

¹ Адабиётлар рўйхатида ОТМ ахборот-ресурс марказлари имкониятларини инобатга олган ҳолда қўшимчалар киритилиши мумкин.

Интернет сайтлар:

1. http://www.lhachev.ru/pic/site/files/lihcht/2012_Sbornik/2012_Dokladi/202plen/028_2012_plen.pdf
2. <http://www.twirpx.com>
3. <http://www.uz-translations.net>
4. <http://www.studfiles.ru/preview/460731/>
5. <http://www.literature-online>
6. <http://www.ziyo.net>
7. http://www.hse.ru/pubs/share/direct/content_document/61264211
8. <http://www.twirpx.com/file/1529371/>
9. <http://www.twirpx.com/file/1798411/>
10. http://dspace.kpfu.ru/xmlui/bitstream/handle/net/21473/10_153_A5-000526.pdf
11. <http://www.twirpx.com/file/1408121/>

